

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 601(5751)

АСАТОВА ШАХЗОДАХОН ЗАБИХУЛЛО ҚИЗИ

**ҲУДУДЛАРДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**
(ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази маълумотлари асосида)

5A230102 – “Иқтисодиёт (реал сектор)” мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н. А.А.Абдувалиев

Тошкент – 2018

Магистрлик диссертация иши долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, унда, ҳудудий инновацион хизматлар бозорининг фаолияти шартлари ва асосий тамойиллари тадқиқ қилинган; жаҳон иқтисодиётида ҳудудий инновацион хизматлар бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари очиб берилган; ҳудудда инновацион фаолликни таъминловчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш; инновацион фаолликнинг институционал тўсиқлари очиб берилди; ҳудудларда инновацион хизматлари бозорини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш шартлари таклиф этилган; ҳудудда инновацион хизматларни ривожлантириш стратегиясини шакллантириш йўналишлари тадқиқ этилган.

The topic of the thesis is devoted to the actual problem in which the following results have been achieved: conditions and basic principles of functioning of the regional market of innovative services; priority directions of development of the regional market of innovative services in the world economy are revealed; issued the reasons and factors constraining development of innovative activity of regions are defined; institutional barriers to the development of innovative activity are disclosed; conditions for support and expansion of the innovative services market in the regions have been developed; ways to form a strategy for the development of the regional market of innovative services.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 12 - сонли баённома «16» май 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н. А.А.Абдувалиев



11.05.18

ИМЗО

сана

Магистр: Ш.З.Асатова



11.05.18

ИМЗО

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси

муdiri доц.И.Хотамов



“16” май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “22” май соат 14.00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. ҲУДУДЛАРДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Ҳудудий инновацион хизматлар бозорининг фаолияти шартлари ва асосий тамойиллари.....	9
1.2. Ҳудудларда инновацион хизматлар бозорини ривожлантиришда унинг салоҳиятини аниқлаш йўллари	19
1.3. Жаҳон иқтисодиётида ҳудудий инновацион хизматлар бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	25
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	32
II БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	34
2.1. Ўзбекистонда ҳудудий инновацион хизматлар бозорини шакллантириш имкониятлари таҳлили	34
2.2. Ҳудудда инновацион фаолиятни тижоратлаштиришда кадрлар таъминотини такомиллаштириш.....	45
2.3. Ҳудудда инновацион фаолликни таъминловчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш.....	55
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	65
III ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ БОБ ЯНГИЛИКЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА ЧОРАЛАР ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	67
3.1. Ҳудудда инновацион фаолиятни рағбатлантириш механизмини шакллантириш	67
3.2. Ҳудудларда инновацион хизматлар бозорини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш	77
3.3. Ҳудудда инновацион хизматларни ривожлантириш стратегиясини шакллантириш	83
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	90
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	93
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	96

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар Стратегиясининг IV устувор йўналишнинг 4 бандига асосан илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш вазифалари белгиланган¹.

Дарҳақиқат, глобаллашув шароитида ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини эътиборга олган ҳолда, жаҳон иқтисодий ривожланишида илм-фаннинг тутган ўрнини белгилаб олиш ва уни чуқур англашга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Билимлар иқтисодиётига ўтиш мамлакатда янги билимларни янги технологияларга, миллий ва глобал бозорларда ўз ҳақиқий истеъмолчиларини топа оладиган маҳсулот ва хизматларга самарали тарзда айлантира оладиган яхлит бир тизимни шакллантиришни талаб этмоқда. Шундай экан, иқтисодиёт тузилмаси фан сиғими юқори (илмталаб) ва юқори технологик тармоқлар улуши ўсаётган томонга ўзгармоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси минтақалар иқтисодиётининг бозор конъюнктураси ва ташкилий тузилмасининг ўзгарувчан ташқи муҳит шароитига мослашиш имкониятларини ҳисобга олмай, фақат мавжуд рақобат устунликларига таянган ҳолда узок давр мобайнида ўз мавқеининг барқарор бўлишига эриша олмаслигини кўрсатди. Шу сабабли иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган шароитда минтақалар иқтисодиётининг

¹ http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036